



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ● № 186 (8676). ● 28 сентябрь, 1985 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ОДАМЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК— СИЁСАТНИНГ БОШ МАСАЛАСИ

КПСС мамлакатни социалистик ривожлантиришни жадаллаштириш йўлидан қатъий бормоқда. Бу одамлар учун, партиянинг ҳамма нарсаси инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун деган программани амалга ошириш мақсадида қилинмоқда. Совет жамиятида кишилар манфаатларига ёт иш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Кишиларни, уларнинг талаб ва эhtiёжларини, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини меҳнатининг ҳар қандай объектив сабаблар билан ҳам оқлаб бўлмайди.

«Кишиларга муносабат, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш-сиёсатининг асосий масаласидир», — деди М. С. Горбачев Тонкидаги кенгашида.

Бизнинг пайларимиз чинакам улуғвор, улкандир. Бу планларнинг тақдирини пировард натижада меҳнат коллективлари, бу коллективда ишлаётган кишилар ҳал қиладилар. Бу планларнинг тақдирини кишилар профессионал жиҳатдан, ғоявий сиёсий ва маънавий жиҳатдан қандай тайёргарлигини, уларнинг меҳнат шарафига қанчалик қўлай бўлишига қараб белгиланади.

Бироқ кишилар меҳнатининг унумдорлиги ишлаб чиқаришдаги вазиятга эмас, шу билан бирга кўп жиҳатдан уларнинг қандай шароитда яшашга қараб, уларнинг турмуши қандайлигига, уларга қандай хизмат кўрсатиётганлигига, улар қандай дам олаётганлигига ҳам боғлиқдир.

Кишиларнинг меҳнат қилиши ва яшаш учун қўлай шароит яратиш мақсадида мамлакатимизда кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Уй-жой қурилиши кўпайишга қараб катта. Янги болалар яшайди, болалар ва мактаблар, маданий ва маънавий муассасалар, спорт иншоотлари ва касалоналар қурилоқда. Халқнинг фаровонлиги, моддий ва маданий даражаси юксалиб бормоқда. Аҳолининг реал даромадлари сўнгги ўттиз беш йил ичида беш баравар ошганлиги бунинг далилидир.

Бироқ, ҳали ҳамма ишлар қилинган деб бўлмайди. Уй-жой, маданий ва маънавий муассасалар зарур даражада тезроқ ва сифатлироқ қурилув керак. Министрлар ва идора-лар ишлаб чиқариш қуваватларини бақонидан барпо этишмоқда. Бунга кўп маблағ сарфламоқдалар. Лекин инсонлар учун мўлжалланган социал объектлар ҳақида гап бориши биланқоқ базис раҳбарларнинг бундай ишлар билан шуғулланишига буютунлай ҳарқаселаси қолмайди: тўғ уларда маблағ ҳам йўқ, қарадиган одам ҳам йўқ эмис ва ҳоказо. Ахир бу маблағлар санаот қурилишига сарфланган маблағларнинг озгина қисмини ташкил этади ҳолос. Оқибатда ишлаб чиқариш қуваватлари йўқ қўйиб бўлмайди даражада секинлик билан ўзлаштирилди ва бўйдаланилди. Бу қуваватларни ўзлаштириш учун одамлар етишмайди — чуқри одамлар яшайдиган, ўқийдиган, дам оладиган жойлар йўқ. Масалан, уй-жой жуда таъқислиги сабабли Ростов-Дондаги «Масомоллаш» янги заводи қуваватларининг янги зўрга ўзлаштирилди.

Кўпгина қурувчилар ҳам ишлаб чиқариш объектларининг буржумачилари билан «иттифоқчи» бўладилар. Улар учун уй-жойлар, маданий-маънавий объектлар қарзиматига иш ҳи соланади. Ийрик санаот объектларини қуриш улар учун фойдалонроқ. Аҳволни сира кечиктирмай тўғриб олиш керак.

Айниқса янги ўзлаштирилётган районлардаги одамлар тўғрисида ғамхўрлик масаласи тоғт ўйин бўлиб турбди. Бунинг устига янги ўзлаштирилётган районлар асосан кадрлар етишмаслиги кескин сезилиётган. Сибирь, Урал, Шарк ва шимол районларидир. Кишиларни бу жойларга фақат юқори иш ҳақи, романтика билангина эмас, балки ағваго яхши турмуш шароити, қўлай уй-жойлар, йўлга қўйилган маънавий турмуш билан жалб этиш, мустақамлаш мумкин ва керак. Масалан, 200 минг аҳолиси бўлган Новокузнецк шаҳрида кинотеатрнинг йўқлигини қандай баҳолаш мумкин. Бу ерда уй-жой, болалар боғча-ясилари билан боғлиқ масалалар ўткир бўлиб турбди.

Холбуки тақдир қилинган лойиқ нисоллар оз эмас. Масалан, Тошкент мотор заводида янги двигателлар ишлаб чиқариш қуваватлари нормативдаги уч йил ўрнига салкам икки йил ичида барпо этилди. Кўп жиҳатдан кишилар тўғрисида ғамхўрлик туфайли бунга эришилди. Энергия билан таъминлаш ни уч ой ўрнига бир ҳафтада йўлга қўйилди. Ошконе, мағзинлар олдиндан очилди, бўлажак заводнинг ходимлари Белоруссияда ўқиб-ўрганишга берилди. Бундан Тошкентда улар учун кўп қаватли ётоқхона қуришди. Натижада йил охирига бориб, латхакрлар янги моторлар ўрнатилган комбайнларни оладилар.

Планин, тонналаб қўйилган, метрлаб трубаларни, квадрат метрлаб газламани ҳамма нарсасдан афзал қўладиган хўжалик ходимлари, бирлашмас ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳали оз эмас. Улар рақамлар ва буюмлар орасида қўлиб кетиб, кўпгина кишиларни кўрайдилар, улар қандай яшашга ганликлар, уларга қандай хизмат кўраётганлиги билан қизиқмайдилар.

Бу тоннадаги хўжалик ходимлари одамларга муносабатларини тубдан ўзгартиришлари, ниса қилиб бўлса ҳам планин бажариш керак деган шубҳали шордан воз кечишлари лозим. Ўз ўзидан равшани план-қонун, уни бажариш мажбурийдир. Бироқ уни фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига, ишлаб чиқариш ва меҳнатни намунали ташкил этиш, меҳнатқиларнинг маънаси ва маълумотини мунтазам ошириш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг фаровонлиги ва маданиятини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш ҳисобига бажариш керак.

Совет кишилари ҳозиржавобдиларлар Улар ўзлари тўғри сизда қилинадиган ғамхўрликка яхши ишлаш билан, умумхалқ ишига қўшадиган хиссаларини кўпайтириш билан жавоб берадилар. Инсонга ғамхўрлик биринчи ўринга қўйилган жойда, қаерда инсоннинг яшаш ва ишлаш қўлай ва қувончли бўлса, уша ерда меҳнат унумдорлиги юқори, ушқоқлиқ ва интизом ҳам мустақам, кадрлар камчилиги сезилмайди, кўнимсизлик ҳам кам бўлади.

Кишиларга муносабатда икки-чикир нарсас бўлмайди. Одамлар ушдан ишга ва ишдан уйга қандай етиб боришлари масаласи ушча муҳим эмасдек бўлиб туюлади. Аммо, мисол учун, Кузбассдаги машхур «Нагорная» шахтасида кишилар автобусини кутиш беҳуда эканлигини биллиб, дуч келган юк машиналарида йўлга чиқадилар. Ингирма тўрт километр масофани асбоблар таран бўлиб, бунинг устига Сибирь шамоллари ва изгиринларда босиб ўтгандан сўнг меҳнат унумдорлиги тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин!

Кишиларнинг энг зарур эhtiёжлари ва манфатларига баъзан иккинчи даражали иш деб қаралаётган экан, бунда кўп жиҳатдан жойлардаги партия, совет ва хўжалик органлари айбдордир. Партиянинг кишиларнинг ишлари учун нормал шарт шароитларини яратиб бериш партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди.

Партия совет кишилари яхшироқ яшашлари учун муттасил ғамхўрлик қилмоқда. Лекин бунинг учун совет кишилари қормай-толмай яхши меҳнат қилишлари, умумий ишга, мамлакат миллий бойлигига қўшадиган хиссаларини кўпайтиришлари керак.

Партия ва давлат одамлар тўғрисида ва одамлар эса давлат тўғрисида, шу йўл билан ўз манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳаётининг ўзгармас принциплари. Ҳамма ҳар ишда ана шу принцилга риоя қилиш керак.

«ПРАВДА» газетасининг 27 сентябрь сонидида бош мақоласи.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида янги тахрирдаги КПСС Программани лойиҳасини муҳокама қилди. Лойиҳа партия XXVI съезди қарорига биноан тайёрланмоқда. Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, тақдим этилган ҳужжат мамлакат ички ҳаёти тараққиётининг асосий тенденциялари ва халқаро вазияти, амалдаги Программани қабул қилингандан кейин ўтган вақт мобайлида партия тўплаган тажрибани акс эттирди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашида илгари сурилган йўл-йўриқларга таянади. Бу эса совет жамиятини ривожлантиришнинг истиқболларини, олий мақсад — коммунизм қуришга эришишнинг йўллари ва воситаларини аниқроқ ва конкретроқ белгилаб олишга имкон беради. Шу муносабат билан ҳозирги янги ва халқаро шароитда коммунизм йўли мамлакатни социалистик ривожлантириш жадаллаштириш орқали ўтади, деган ҳулосанинг назарий ва сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгалиги ўқитиб ўтилади.

КПСС Уставига ўзгартириш киритиш ҳақидаги тақлифлар кўриб чиқилди. Бу ўзгартирилган Устав қондаларини КПССнинг янги тахрирдаги Программани лойиҳасига муттасил олиришга аниқлаб олишга имкон беради. Мажлисида Уставга киритилган ўзгартирилган партиянинг жамиятдаги раҳбарлик ролини оширишга, коммунистларнинг маъсулиятини ва ижодий активлигини кучайтиришга ёрдам бериш қўрсатиб ўтилади.

Сиёсий бюро унинг топширигига биноан 1986—1990

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ
СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ
В. А. ЖОНИБЕКОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий тадқиқот комплексида космик учиниш муваффақиятли амалга оширилганлиги ҳақида мардлик ва қаҳрамонлик қўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Владимир Александрович ЖОНИБЕКОВ Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1985 йил 26 сентябрь.

ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ
СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ
Г. М. ГРЕЧКОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учиниш муваффақиятли амалга оширилганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Георгий Михайлович ГРЕЧКО Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1985 йил 26 сентябрь.

СССР Олий Совети Президиумида

27 сентябрь кунин Кремльда ўртоқ А. А. Громико расилигига СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиди.

Ўртоқ А. А. Громико СССР Министрлар Советининг Раиси Николай Александрович Тихоновнинг КПСС Марказий Комитетига ёзган аризасини ўқиб эшиттирди. Аризада бундай дейилди:

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев.

Азиз Михаил Сергеевич! Кейинги вақтларда меннинг соғлиғим анчагина ёмонлашди. Врачлар консилуми меннинг актив ишланишнинг тўхтатиш ва, бинобарини, пенсияга чиқишим тўғрисидаги масалани қаттиқ қилиб қўймоқда.

Михаил Сергеевич, Сизга, Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига шундай илтимос билан мурожаат этишим нақадар қийин бўлмасин, мени соғлиғим ёмонлашган

лиги муносабати билан пенсияга чиқаришнингизни илтимос қилишга мажбурман.

Жонажон Коммунистик партия менга қилган ҳамма ишлар учун ундан беҳад вақтларда Сиёсий бюрода вужудга келтирилган самийий, ўртоқларча вазият ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Ҳозир нуқул ишлагинг келди.

Михаил Сергеевич, ленин партиянинг Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва шундан Сизни ишлатириб айтманки, мен бундан буюн ҳам зиммага юклатилганидан топшириқларини кучим етганига бақарияшга тайёрман. Чин қўнгилдан миннатдорман. Н. Тихонов».

СССР Олий Совети Президиуми аризасини муҳокама қилиб, ўртоқ Н. А. Тихоновнинг мамлакат иқтисодий ва социал-маданий тараққиётини бошқариш ишига қўшган катта ҳиссасини, унинг партия билан давлат олдидаги катта хизматларини ўқитиб

ўтди. Ўртоқ Н. А. Тихоновнинг СССР Министрлар Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирлишга қарор қилинди.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Советининг Раисини тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси М. С. Горбачев сўзга чиқиб, таълиф киритди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг топширувига биноан ўртоқ Николай Иванович Рижковнинг СССР Министрлар Советининг Раисини қилиб тайинлашнинг тақлиф қилиди.

СССР Олий Совети Президиуми КПСС Марказий Комитетининг тақлиф қилишга қаратилган депутатлар билан ўртоқ Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу масалани муҳокама қилишда: СССР Олий Совети Президиуми

Горький область халқ депутатлари Советларининг КПСС XXVII съездини муносиб кўтиб олиш соҳасидаги иш масаласини кўриб чиқди. Мажлисида халқ депутатлари Горький область Совети ижроия комитетининг раиси В. И. Семенов доклад қилди. СССР Олий Советининг депутаты, Горький автомобиль заводининг бош директори Н. А. Путигиннинг масалани муҳокамага тайёрлашда қатнашган депутатлар номидан берган ахбороти тингланди.

Музокараларда: СССР (ТАСС).

СССР Министрлар Советининг Раиси Николай Иванович РИЖКОВ

Николай Иванович Рижков 1929 йилда туғилган, миллати рус, 1956 йилда КПСС аъзоси. С. М. Киров номидаги Урал политехника институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1950 йилда С. Оржоникидзе номидаги Урал оғир машинасозлик заводи смена мастеридан бошлади, бу ерда пролет бошлиғи, цех бошлиғи, бош лавандчи, директор ўринбосари, 1965 йилдан эса бош инженер бўлди. Н. Рижков 1970 йилдан шу заводнинг директори, сўнгра эса «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўлди.

1975 йилда оғир ва транспорт машинасозлиги министрининг биринчи ўринбосари, 1979 йилда эса СССР Ҳокимияти раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланди.

Н. И. Рижков КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди. Айни вақтда у КПСС Марказий Комитети экономика бўлимининг мудир эди. Н. И. Рижков КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Николай Иванович Рижков 1981 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. 9—11 қақирқ СССР Олий Советининг ва РСФСР Олий Советининг депутаты. Икки марта СССР давлат мукофотининг лауреати.

Н. И. Рижков Ватан олдидаги хизматлари учун икки марта Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, Иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланган.

СССР Олий Совети Президиумининг қарор қилади: Ўртоқ Николай Александрович ТИХОНОВ соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан унинг СССР Министрлар Совети Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. ГРОМИКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль.
1985 йил 27 сентябрь.

ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ— ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

27 сентябрь кунин Тошкентда касаба союз ходимларининг КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг «Клуб муассасаларидан ва спорт иншоотларидан фойдаланишнинг яхшилаш тадбирлари» тўғрисидаги қарори асосида идеологик ишнинг тақомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинар-практкуми бўлиб ўтди.

Семинарнинг ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Махмудова кириш нутқи сўзлаб очди.

Семинар қатнашчилари ялли мажлисида асосий диққат-этиборни касаба союзлари ҳозирги босқичдаги тарбиявий, маданий-маърифий ишнинг ақтуал проблемаларига қаратдилар. Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Сўзга чиққан нотидлар касаба союз ташкилотлари

меҳнатқиларнинг бўш вақтини қўнғили ташкил этиш, ичкикилбозликка ва алголизмга қарши, жамият манфаатларига зид бўлган бошқа қўрқиниларга қарши кураш соҳасидаги ўз фаолиятларини кучайтиришлари лозимлиги ҳақида гапирдилар. Одамларнинг ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланиш тақомиллаштириш, хусусан муқимлигини, истеъмолчилик психологиясини, диний сарқиларни тутатиш касаба союзларининг муҳим вазифалари эканлиги қайд этилди.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Х. Абдуллаева нутқ сўзлади. Семинар қатнашчилари Тошкент областидида бир қанча маданий ва спорт муассасаларини бориб кўрадилар, меҳнатқиларнинг бўш вақтини қўнғили ўтказишнинг ташкил қилиш соҳасидаги иш тажрибаси билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

Нефть қазиб чиқариш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, пойабзал, ўсимлик ёғи ва бошқа молларни ишлаб чиқариш юзасидан январь—сентябрь ойлари учун белгиланган планнинг ошириб бажарилиши кутимлоқда.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ИШИНING ЖАМОАТ КЎРИГИ ЎТМОҚДА



ОМОНАТ КАССАЛАРИ

ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!



ОМОНАТ КАССАЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ ИШ ДОИРАСИ

Омонат кассалари Сизларга шахсий жамғармаларингизни тўғри йўлга қўйишда, ўсиб бораётган маданий ва маънавий эҳтиёжларингиздан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишда ёрдам беради.

Омонат кассалари граждандарга ўз жамғармаларини ишончли, манfaatли ва қўлай равишда сақлаш ва ҳисоб-китоб-касса операцияларини тўғри амалга оширишга имконият яратди.

ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ АККРЕДИТИВЛАРИ — ЙЎЛДА ПУЛ САҚЛАШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ УСУЛИДИР

Ҳар йили миллионлаб совет кишилари мамлакатимиз бўйлаб экскурсия ёки саёҳатларга чиқадилар, командировналарга жўнаб кетадилар. Ана шундай кезларда омонат кассаларининг аккредитивлари йўлда пул сақлашнинг энг қўлай формаси саналади. Аккредитивга топширган пулларингизни сиз мамлакатимизнинг исталган шаҳри ёки районидан омонат кассасидан олишингиз мумкин.

Омонат кассалари икки турда: 3.000 сўмгача бўлган исталган қийматда ва 300 сўмга аккредитивлар бўлади. 3.000 сўмгача бўлган аккредитивга пул дарҳол унинг тўла қийматида тўланади. Агар бундай аккредитив эгаси пулнинг фақат бир қисминини олиш хоҳишини билдирса, у ҳолда қолган пул учун янги аккредитив берилиши мумкин. 300 сўмлик аккредитив бўйича эса дарҳол унинг тўла қийматини ёки 100 сўмдан қисмларга бўлиб ҳам олиш мумкин.

Аккредитивга ҳақ тўлаш омонат кассалари томонидан у берилган кундан эътиборан тўрт ой мобайнида пул эгаси ўз паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатини кўрсатган заҳоти амалга оширилади.



ОМОНАТ КАССАЛАРИ:

— граждандардан нақд пулларни омонатга қабул қилди ва омонатчининг биринчи талабидеёқ уларни тўлайди. Омонатларни фақат мазкур шаҳар ёки район омонат кассаларидан қайтариб олишга эмас, балки мамлакатимизнинг исталган омонат кассасидан унинг ҳаттоки тўлдириш ҳам мумкин.

— пул даромадлари ҳисобига корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маблағларни омонатлар бўйича сўётларга ёзиб қўйиб боради.

— омонатчиларнинг топширигига кўра квартира, коммунал ва бошқа хизматлар учун олинадиган тўловларни пул ўтказиш йўли билан бир мартаба ёки узоқ муддат мобайнида расмийлаштириб боради.

— омонатларни бир омонат кассасидан иккинчисига ўтказиш.

— аккредитивлар беради ва уларнинг ҳақини тўлайди.

— 1982 йилда чиққан Давлат ички ютуқли заёмларининг облигацияларини сотади ва сотиб олади ҳамда сақлаш учун қабул қилади.

— давлат заёмлари облигациялари ва лотерея билетларига чиққан ютуқларини тўлайди.

— аҳолининг баҳоси 200 сўм ва ундан қimmat турадиган саноат молларини харид қилишда мағозалар билан ҳисоб-китоб юритиши учун уларга ҳисоб-китоб чеклари ёзиб беради.

— бошқа қатор операцияларни ҳам амалга оширади.

ПУЛ ЎТКАЗИШ БИЛАН ЖАМҒАРМА ТЎПЛАШ



Омонат кассалари совет граждандарга ўз шахсий бюджетларини мумкин қадар тўғри йўлга қўйиш, олинадиган даромадлардан мақсадга мувофиқ равишда фой-

даланишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Улар ўз жамғармалари ҳисобига узоқ вақт фойдаланиладиган саноат моллари сотиб олмақдалар, жонажон мамлакатимиз бўйлаб мароқли саёҳатларга чиқмоқдалар.

Жамғармаларни пул ўтказиш йўли билан ҳам тўплаш мумкин. Бунинг учун эса, корхона, муассаса, совхоз ва колхоз бухгалтериясига пул даромадларидан маълум бир қисминини омонат кассадан омонат сўётига ўтказиш ҳақида ариза бериш kifoya. Омонат сўётига ишчи ва хизматчиларнинг маошидан, кўпйилик хизматлар учун бир йўла бериладиган мукофотдан, колхозчиларнинг пул даромадларидан, пенсия ва аҳолининг давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан оладиган маблағлари ҳисобидан пул ўтказиш мумкин. Пул даромадларидан омонат сўётларига чегириладиган маблағларни фақат омонатчи айни вақтда ишлаб турган мазкур аҳоли пунктдаги омонат кассатига эмас, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳри ва райондаги исталган омонат кассатга ўтказиши мумкин.

Меҳнаткашларнинг даромадларидан уларнинг омонат сўётларига юқоридегича тартибда пул ўтказиш қўйишга қўлайликлар яратди, омонатчиларнинг пул қўйиш учун омонат кассаларга овора бўлиб келишига чек қўяди, уларнинг қимматли вақтини тежайди.

ОМОНАТ КАССАЛАР ХИЗМАТИ—ЖУДА ҚУЛАЙ

Агар Сиз пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб юритиш хизмат формасидан фойдалансангиз квартира, коммунал хизмат, электр қуввати, телефон, ўғил-қизчаларингизнинг болалар муассасаларига бориши ва бошқа тўловлар юзасидан ҳақ тўлаш учун омонат кассаларига овора бўлиб келишга ҳожат қолмайди.

Омонат кассалари Сизнинг хоҳишингизга кўра, бу операцияларни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади. Сизнинг хоҳишингизга кўра омонат кассалари барча турдаги тўловлар бўйича пул ўтказиш йўли билан бажариладиган ҳисоб-китобларни сиз меҳнат қилаётган корхона ва муассасалар билан биргаликда бир мартаба ёки доимий равишда амалга ошириши мумкин.

Омонатчи пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб юритиш ҳақидаги топшириқни омонат кассатга жўнатиши мумкин. Бундай топшириқларни расмийлаштириш учун зарур бўлган бланкаларни исталган омонат кассасидан олиш мумкин. Омонатчи омонат кассатга таъриф буюриши билан сўётга ўтказиладиган ҳамма пул унинг омонат дафтарчасига ёзиб берилади.

Омонат кассалари орқали пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб юритиш — аҳоли учун барча турдаги тўловлар юзасидан ҳақ тўлашнинг энг қўлай формасидир. У меҳнаткашларнинг қимматли вақтини тежайди ва уларни тўлов ҳужжатларини ўзлари билан олиб юриш заруратидан халос этади.

Тошкент область икжроя комитети ва область касса

союзлари Советнинг қарори билан Тошкент областида 1985 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб область омонат кассалари ишининг жамоат кўриги ўтказилмоқда. Қўриқ шу йилнинг 1 октябрга қадар давом этади.

Хозирги вақтда областа даромад олаётган ҳар икки кишининг бири омонат кассаларнинг 30 процентдан зиёроғи пул ўтказиш йўли билан ўз жамғармаларини қўлайлиги бормоқда ва областнинг 21 миң нафардан зиёд ишчи ҳамда хизматчилар, жумладан Олмалик, Ангрен, Чирчиқ, Бекобод, Янгийул шаҳарлари, Чиноз, Ўстонлик, Оҳангарон районларининг кўпсонли ишчи ва хизматчилари ўз маошларини омонат кассалар орқали олмақдалар. Область омонат кассалари аҳолига 60 дан ортиқ турда хизмат кўрсатмоқда. Тошкент области территориясида аҳолига 326 та омонат касса хизмат қилмоқда.

Омонат кассалар жамоат кўригини ўтказишдан мақсад меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолининг ортиқча маблағларини Давлат меҳнат омонат кассаларида сақлашнинг аҳамияти, зарурлиги ва самараси ҳақида кенг тушунириш ишлари олиб бориш, меҳнаткашларнинг пул даромадларини омонат сўётларига ўтказиш иш тажрибасини кенг ёйиш, шунингдек омонат кассаларда ҳисоб-китоб-касса тарзида операцияларни самарали жорий этишдан иборатдир.

Сизлардан ўз тақлиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Байнал-Минал кўчаси, 53-аҳ. уй. СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Тошкент область бошқармаси.

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИ ВА 1966 ЙИЛГИ 3% ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ХУСУСИДА

1982 йилги давлат заёми облигациялари 50 сўм ва 25 сўм қиймат билан чиқарилган.

Бу заёмининг эллик сўмлик облигацияларига 10.000, 5.000, 2.500, 1.000, 500, 250, 100 сўм миқдорда (облигация қиймати ҳам қиради) ютуқлар белгиланган (қиймати 25 сўмлик облигацияларга ютуқнинг ярми тўланади).

10.000 сўмлик ютуқ эгаси навбатсиз «Волга» автомобиль ёки унга ўхшаш классдаги енгил автомобиль сотиб олиш ҳуқуқига эга, 5.000 сўм ютуқ эгаси эса классли настрок бошқа маркадаги автомобиль сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Автомобиль баҳоси билан ютуқ пули ўртасидаги тафовутни эса бахтли облигация эгаси кассатга ўз ёнидан тўлайди.

Йигирма йил мобайнида заёмининг 160 та ютуқлар тиражи ўтказилди — ҳар йили қуйидаги муддатларда заёмининг 8 тиражи ўйналади: 15 февралда, 30 мартда, 15 майда, 30 июнда, 15 августда, 30 сентябрда, 15 ноябрда ва 30 декабрда. Айни шу муддатларда, чунинчи 1966 йилда чиқарилган Давлат 3 процентли ички ютуқли заёмлари бўйича ютуқлар тиражи ўтказилди.

1986 йил 30 июнда 1966 йилги заёмининг сўнгги тира-

жи ўтказилди, облигацияларнинг эгаларига 1987 йилнинг 1 июлига қадар омонат кассалари орқали уларни имтиёзли шартлар билан, яъни курс тафовутини тўламаган ҳолда 1982 йилда чиқарилган Давлат ички ютуқли заёмлари облигацияларига алмаштириш ҳуқуқи берилиди. 1966 йилги 3 процентли давлат ички ютуқли заёмининг ютуқ чиққан облигациялари, шунингдек мазкур заёмининг ўз қийматида сотиб олиниши шарт бўлган облигацияларига ҳақ ўлдириш учун уларни омонат кассаларига 1988 йилнинг 2 июлига қадар таъдим этиш мумкин.

Хозирги вақтда аҳоли қўлида бўлган 1966 йилги 3 процентли Давлат ички ютуқли заёми облигациялари аввалгидек заём муддати тугагунга қадар (1986 йилнинг 1 июлигача) ўтказиладиган барча ютуқлар тиражларида қатнашаверди.

1982 йилда чиқарилган Давлат ички ютуқли заёми облигациялари аҳоли пул жамғармаларини сақлашнинг энг қўлай ва самарали формасидир.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ТОМОНИДАН СОТИЛАДИ ВА СОТИБ ОЛИНАДИ
1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ЗАЁМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ

Мағозалардан харид қилинадиган саноат моллари учун ҳақ тўлашни СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг ҳисоб-китоб чеклари ёрдамида пул ўтказиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ҳисоб-китоб чеки киши номига ёзиб берилган пул ҳужжати ҳисобланади. Чек омонат сўётларига сақланаётган маблағлар ёки нақд пул эвазига 200 сўмдан 10.000 сўмгача миқдорда ёзиб берилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб чеки қайси ерда берилганидан қатъий назар саноат молларини харид қилиш учун уни исталган райондаги давлат ёки кооператив савдо мағозасига кўрсатиш мумкин.

Ҳисоб-китоб чеки икки ой мобайнидагина ўз кучини сақлайди. Фойдаланилмаган ҳисоб-китоб чеки пул ҳужжатини эгаси томонидан чек берилган жойдаги марказий омонат кассатга қайтариб топширилади.

Матлубот кооперацияси мағозаларидан баҳоси 200 сўмдан юқори бўлган саноат молларини харид қилиш ва ВАЗнинг ихтисослашган автомобиллар ва техника хизмати кўрсатиш станцияларидан енгил автомобиллар сотиб олиш учун ҳам омонат сўётларидан тегишли миқдордаги пулни мазкур ташкилотларнинг сўётига ўтказиш йўли билан ҳам ҳисоб-китоб юритиш мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар омонатчининг топширигига кўра ва айни вақтда у омонат кассатга ўзи учун ажратилган саноат моллари ҳақидаги матлубот кооперацияси мағозасининг справкеси ёки ўзи учун енгил автомобиль сотиб олиш ҳуқуқини берувчи ВАЗнинг ихтисослашган автомобиллари ёки техника хизмати кўрсатиш станциясининг билдириш-шартнома-сини тақдим этиши билан амалга оширилади. Саноат молларини пул ўтказиш йўли билан харид қилиш жуда қўлай, у меҳнаткашларни хариддорлар молларини сотиб олиш учун ўз ёнида доим нақд пул олиб юриш заруратидан халос этади.



АҲОЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ САҚЛАШ ФОРМАЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА
1984 ЙИЛНИНГ 1 ФЕВРАЛИДАН БОШЛАБ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

ЁШЛАРИНГ МУКОФОТЛИ ОМОНАТЛАРИ

Бундай омонатлар 18 дан 30 ёшгача бўлган кишилардан қабул қилинади. Омонат кассатда сўёт очиш учун омонатчининг шахсан ўзи келиб паспортини кўрсатиши шарт. Келгусида маблағ тўллаш эса уч йил мобайнида ойлик взнослар олиш йўли билан амалга оширилади. Взнос пуллари омонатчининг иш ёки ўқиш жойиданги бухгалтериялар томонидан омонат кассаданги ёшларнинг мукофотли омонатлари сўётига маълумат ўтказиб борилади. Ойлик взнос миқдори — 10, 20, 30, 40, 50 сўм — унинг миқдорини омонатчининг ўзи белгилайди. Взнослар нақд пул тарзида ҳам тўланиши мумкин. Бундай омонатлар бўйича қисман тартибда пул тўланимайди.

Ёшларнинг мукофотли омонатлари бўйича кўрсатилган шартларга риоя этилган тақдирда омонатчига 3,5 процент ҳисобидан йиллик даромад тўланади, шундан 2 процент ҳар йили омонат қолдиғига келиб қўйилади, 1,5 процент эса, камида уч йил сақланаётган омонат бўйича, мукофот тариқасида тўланади. Агар маблағ ва уни сақлаш шартлари бузилса, бундай жамғармаларга 2 процент ҳисобидан йиллик даромад тўланади.

ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР

Бу омонатлар бўйича 2 процент ҳисобидан олинадиган йиллик даромад омонатчига ютуқ тариқасида — ё нақд пул билан ёки омонатчининг хоҳишига кўра хариддорлар моллари кўринишида тўланади. Ютуқлар тиражи йилда икки марта — апрель ва октябрь ойида ўтказилади. Ҳар бир тиражда 1.000 та сўёт қатнашади. Омонатларнинг бу турда бўйича 25 та ютуқ ўйналади: ютуқ чиққан сўёт бўйича йилнинг ўтган ярми учун омонат ўртача қолдиғининг 200 проценти миқдорда — 1 ютуқ; 100 процентдан — 2 ютуқ; 50 процентдан — 2 ютуқ ва 25 процентдан — 2 ютуқ.

Ютуқ қийматини белгилаш вақтида ҳисоба олинадиган

омонатнинг ярим йиллик ўртача қолдиғи 5.000 сўмдан ошмаслиги лозим.

Омонатларнинг ўртача қолдиғини ҳисоблаб чиқишда 1 апрель ва 1 октябрь ярим йилликнинг бошланиши саналади. Омонатчига бир ёки бир неча омонат кассаларида пул-буюм ютуқли омонатлар бўйича исталган миқдорда сўётлар очиш ҳуқуқи берилади.

Омонатчиларнинг сўётларига чиққан ютуқларга берилган саноат моллари рўйхати билан омонат кассаларида танишиш мумкин. Ютуқлар эвазига мағозалардан саноат молларини олиш учун омонат кассалари омонатчиларга мақсадли ҳисоб-китоб чеклари берилади. Омонатчининг хоҳишига кўра унга сўёт ютуғига чиққан товар нархидан 25 процент қимматроқ турмуви саноат молларини харид қилиш учун ҳам чек ёзиб берилиши мумкин. Бундай вақтда омонатчи топарал нархидан тафовутини омонат кассатга тўласа kifoya.

Шунингдек, ютуқ қийматини омонат пул билан олиш ёки келгусида яна сақлаш учун омонат сўётига қолдириш ҳам мумкин.

ҚЎШИМЧА ВЗНОСЛИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР

Бундай омонатлар камида бир йил муддатда қабул қилинади ва омонатчиларга 3 процент ҳисобидан йиллик даромад тўланади. Бу янги турдаги омонатларнинг амалда мавжуд бўлган бошқа муқаддатли омонатлардан фарқи шундаки, унда дастлабки ва қўшимча взнослар нақд пул тўлаш ва омонатчининг шахсий аризасига кўра иш жойиданги бухгалтерия томонидан унинг омонат сўётига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тўланадиган ҳар бир қўшимча взнос миқдори 100 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Янги турдаги бундай омонатини қўшимча взнослар билан бирга фақат тўла қийматида олиш мумкин. Омонатчига омонатнинг муқаддатли шартларини бузмаган ҳолда сўётда бир йилдан кам вақт ётмаган жамғарма бўйича ўзига тегишли процентларни олиш ҳуқуқи берилади. Омонат сўётда бир йилдан кам вақт сақланаётган жамғармалар бўйича эса даромад тўланимайди.

СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Тошкент область бошқармаси

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ИШИНING ЖАМОАТ КЎРИГИНИ ЎТКАЗИШ ОБЛАСТЬ КОМИССИЯСИ